

# ТОШКЕНТ

## ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 195 (10.500)

2005 ЙИЛ 3 ОКТЯБРЬ

### ПОЙТАХТНИНГ Дир КУНИ

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА САТНАР

● **“ПОЙТАХТ”** меҳмонхонасида Марказий Осиёда ноғиронларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласига бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

● **“КАМОЛОТ”** ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгашида ўтказилган тадбирда ҳаракатнинг пойтахт туманлари сардорлар кенгаши аъзолари иштирок этишди.

● **ТОШЕНТ** Давлат шарқшунослик институти қошидаги С.Раҳимов академик лицейида Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига бағишлаб ўтказилган тадбир “Адолат” социал-демократик партиясининг С.Раҳимов туман кенгаши ҳамкорлигида уюштирилди.

● **ЯККАСАРОЙ** туман ҳудудий тиббиёт бирлашмасида “Маънавият ва маърифат” марказининг туман бўлими, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон либерал-демократик партияси Марказий Кенгаши ҳамкорликларида ўтказилган тадбирда хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини, жамиятдаги мавқеини ошириш масалалари атрофида муҳокама қилинди.

● **9-МАКТАБДА** ўқитувчилар ва ўқувчилар иштирокида “Маънавият ва маърифат” марказининг Юнособод туман бўлими ҳамда туман халқ таълими бўлими томонидан уюштирилган кеча “Устоз — отангдек улуғ” деб номланди.

● **“БАЙНАЛМИЛАЛ”** маҳалласида вояга етмаган ёшлар ўртасида “Спорт — соғлиқ гарови” мавзусида спорт мусобақалари ўтказилди.


● **ЎЗБЕКИСТОН** Миллий университети қошидаги Олий Педагогика институтида “Миллий истиқлол ғояси” фанини самарали ўқитиш ва бошқа фанлар мазмунига Миллий истиқлол ғоясининг сингдирилиши юзасидан илмий-услубий семинар ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги  
Матбуот хизмати ва  
ўз мухбирларимиз  
хабарларидан.

Хунар, хунардан унар, деб халқимиз бежиз айтмайди. Қўл меҳнати нозик дид, касб маҳорати талаб этиши тўғрисида хунармандларнинг заҳматли меҳнати асрлар оша эъзозлаб келинмоқда.

**СУРАТДА:** ака-ука Жамшид ва Хуршид Иброҳимовлар бетакор совғабоп бўюмлар ҳамда бир-бирдан гўзал мебеллар яратиб нафақат юртимизда, балки Туркия, Япония, Миср, Малайзия каби кўплаб давлатларда ўтказилган кўргазмаларда дипломлар билан тақдирланишган.

Ҳақимжон Солиҳов олган сурат.



## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ЖИНОЯТ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2005 йил 20 апрелда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2005 йил 26 августда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, №1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, №9, 144-модда; 1997 йил, №2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, №5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-

2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, №9, 171-модда) қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) **87-моддасининг** **иккинчи қисмидаги** “Уч” деган сўз “Беш” деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **207-моддасининг** **учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Уша қилмишлар:

а) одам ўлишига;  
б) гиёвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг кўп миқдорда Ўзбекистон Республикаси давлат ёки божхона чегаралари орқали қонунга хилоф равишда олиб ўтилишига сабаб бўлса, — муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”.

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти  
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2005 йил 30 сентябрь



**БУГУН** кечкурун “Тошкент теннис маркази” спорт мажмуасида “Tashkent open — 2005” аёллар халқаро турнирининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтади.

*Tashkent open — 2005*

## ШАҲРИМИЗДА ЮЛДУЗЛАР ЁҒДУСИ

Ролпа-роса бир ой олдин мамлакатимиз китъа ўйинларини қабул қилганда ва теннис ихлосмандларига яхши маълумки, бу нуфузли турнирда ўзбекистонлик спортчилар тўртта бош мукофотнинг учтасини қўлга киритиб, Осиё чемпиони унвонига эга бўлганлар. Эндиги навбат — “Tashkent open” очик турдаги нуфузли халқаро турнирига келди. Ушбу мусобақада жaxon миқёсида юқори натижаларга эришган профессионал теннисчилар иштирок этади.

“Tashkent open” мусобақалари анъанавий тус олган бўлиб, 1996 йилдан буён ўтказиб келинмоқда. Бундай юқори тоифадаги турнир мамлакатимизда Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан ташкил этилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимдир.

Мақзур турнир WTA — Бутунжаҳон аёллар теннис уюшмаси ўйинлари жадвалига расмий равишда фақат 1999 йилдан киритилган. Би-

ринчи уч йил давомида эса “Tashkent open” ITF мусобақалари доирасида “Челленжер” сифатида ташкил этилиб, унинг мукофот жамғармаси 75 минг АҚШ доллари тенг бўлганди.

“Tashkent open” WTA мақомига эга бўлиши билан нафақат биринчи юзликдаги теннисчилар, балки кучли эллитикалдаги жaxon юлдузлари ўртасида ҳам муваффақият қозона бошлади. Бу эса, ўз навбатида, турнирнинг нуфузини янада оширишга имконият очди. Унинг мукофот жамғармаси 110 мингдан 140 минг АҚШ долларигача ошди ва бугунги кунда тўртинчи тоифадаги турнир ҳисобланади.

Давоми 8-бетда.



### XVI сақоси

Барча мавбаладан  
олинган сўғити хабарлар

### Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов қабул пунктларига 360 минг тоннадан зиёд қимматли хом ашё етказиб бериб, давлатга пахта сотиш шартнома режасини мамлакатимизда биринчилар қаторида баҳарган Бухоро вилояти пахтакорларига табрик йўллади.

● Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Малайзия Қироли Туанку Саййид Сирожуддин Жамалуллайнинг таклифига биноан Малайзияга давлат ташрифи давом этмоқда.

● Ўқитувчилар ва мураббийлар кунини умумхалқ байрами муносабати билан Тошкентдаги “Туркистон” саройида тантанали иғилиш бўлиб ўтди. Ушбу байрамга бағишланган тадбирлар шаҳримизнинг барча туманларида ўтказилди.

● Ўзбекистон Мусулмонлар идорасида Уламолар кенгаши аъзолари, диний билим юртлари мудирилари, пойтахтдаги жомеъ масжидлари имом-хатиблари иштирокида яқинлашиб келаётган муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш масалаларига бағишланган иғилиш ўтказилди.

● Пахтакор туманида ёғ-экстракт корхонаси куриб битказилиши билан вилоятдаги бу турдаги корхоналарнинг сони учтага етди. «Жиззахё» хусусий корхонасига ўрнатилган 250 миллион сўмлик янги линия қунига 100 тонна чигитни қайта ишлаш қувватига эга.

● Нурота туманидаги «Кизилча» қорақўлчилик ширкат ҳўжалиги марказига қарийб ўн чақирим олисдаги Шерҳовуз ва Қорасон булоқларида қувур орқали тоза ичимлик суви келтирилди.

### Жаҳонда

● БМТнинг юқори мартабали ходими доктор Давид Набарро айни пайтда 150 миллион киши ҳаётига хавф туғдираётган грипп пандемияси бошланиши мумкинлигини айтди.

● Фастастин мухторияти етакчиси Маҳмуд Аббоснинг «Фатҳ» ҳаракати Йордан дарёсининг гарбий қирғоғида ўтказилган сайловнинг унчинчи турида ғалаба қозонди.

● Сурия ўз мамлакати Тижора банкнинг алоҳида ҳисоб рақамига музлатилган 262 миллион АҚШ долларини Ироқ ҳукуматига ўтказди.

● 2006 йилда Италиянинг Турин шаҳрида бўлиб ўтадиган қишки Олимпиада ўйинлари машъаласи шу йилнинг 27 ноябрда Грециядаги Олимпия тоғида ёқилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 1992 йилдаги ва Малайзия Бош вазир М.Муҳаммадининг 1993 йилги расмий ташрифлари ҳамда Малайзия Қироли Туанку Сайид Сирожиддин Сайид Путра Жамалуллайнинг 2003 йили Ўзбекистонда бўлиш чоғлари икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларига замин қўйилган эди.

Террорчилик билан курашиш, гиёванд моддаларнинг ноқонуний айлиниши ва тарқатилиши, ядровий қуроёларни тарқатмаслик сингари кўпгина халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан Ўзбекистон ва Малайзиянинг нуктаи назарлари яқин ёки бир-бирига мос келади.

Иқтисодий соҳадаги муносабатлар барқарор ривожланаётган бўлса-да ҳали ишга солинмаган салоҳиятлар ҳам mavjuddir. Утган йили мамлакатларимиз ўртасидаги ташқи савдо

айланмаси 12 миллион АҚШ долларидан зиёд, жорий йилнинг 6 ойи мобайнида эса 6,6 миллион АҚШ доллари миқдоридagi кўрсаткиччи ташкил этди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъҳамаси томонидан 2004 йили «Малайзия билан сарможий ҳамкорлигини ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг қабул қилингани амалий ҳамкорликни фаоллаштиришда муҳим қадам бўлди.

Хозирги пайтда мамлакатимизда Малайзия сармоядорлари иштирокида барпо этилган 23 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 19 таси қўшма корхона, 4 таси эса юз фоиз Малайзия капиталли асосида юзага келган корхоналардир. Улар орасида мяхмонхоналарни таъмирлаш бўйича «Hotel Uzbekistan», «UzMayOil», «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ҳаво йўналишларида тамадди емаклари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар бор. Малайзия томонининг Ўзбекистон нефт-газ соҳасига жалб этилган сармояси умумий миқдори 7,0 миллион АҚШ долла-

ридан зиёдни ташкил этди.

Малайзиядаги йирик «Петронас» нефть-газ компанияси билан геология-қидирув ишлари соҳасида ҳамкорлик юзасидан бир неча бор музокаралар ўтказилди, Шўртан газ-кимё мажмуи махсуслотларининг таъминот бозорларини кенгайтириш юзасидан ўзаро келишувга эришилди.

Жорий йилнинг сентябрь ойида Тошкентда Ўзбекистон Республикасининг Орол денгизи ҳудудида геология-қидирув ишлари ҳамда аниқланган нефть ва газ конлари бўйича иш

рида 170 нафардан зиёд юртдошларимиз иштирок этди.

Маданий ҳамкорлик алоқаларимиз ҳам жадвал ривожланиб бораётир. Малайзия халқаро фольклор фестивалида Тошкент вилоятидаги бодий-ижодий жамоа қатнашди. А.Навоий номидagi Давлат академик Катта опера ва балет театри жамоаси ижодий сафар билан бир неча бор мазкур мамлакатга борди. Ўз навбатида Малайзия вакиллари ҳам Самарқандда ўтказиладиган аънанавий «Шарк тароналари» халқаро мусиқа анжумани муносабати билан юртимизда тез-тез мяхмон бўлиб туришди.

Булардан ташқари, икки мамлакат илмий жамоатчилиги ўртасида ҳам ҳамкорлик муносабатлари яхши йўлга қўйилган. Ўзбекистон ва Малайзия Фанлар академиялари ўртасида илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисида битим имзолангани бунинг ёрқин тасдиғидир. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти, биоорганик химия институти, «Академприбор» илмий-ишлаб чиқариш биёрлашмасида ўтказилаётган илмий-тадқиқот ишларидаги малайзиялик олимлар қизиқиш билдиришди. Улар Ядро физикаси институти ишланмаларини Осмё-Тинч океани минтақаси лавозинга олиб чиқишга қарор қилишди. Ўзбекистонлик олимларнинг янги ишланмаси — ичимлик суви ва ҳавони тазоволни ихчам ускуналар бўйича Малайзияда ўтказган синовлари муваффақиятли бўлди.

Хозирги пайтда Физика-техника институтининг «Кувёш физикаси» илмий-ишлаб чиқариш биёрлашмаси олимлари Малайзия университетидagi ҳаммасблари билан биргаликда қаттиқ жисмлар, совуқ квант газлари, квант оптикаси ва бошқа соҳаларда илмий тадқиқот ишларини олиб боришмоқда.

Ўзбекистоннинг қатор сайёҳлик фирмалари Малайзия сайёҳлик бозорига муваффақият билан фаолият кўрсатаётир. Сайёҳларимизнинг ўзаро борди-кечдилари тобора кўпайиб бормоқда.

«Жаҳон» АА.

## Ўзбекистон — Малайзия: ҲАМКОРЛИК КЎЛЛАМЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов шу йилнинг 2-4 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Малайзияда бўлди. Маълумки, Жануби-Шарқий Осиёда жойлашган, қарийб 24 миллион нуфусга эга бўлган ушбу мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти катта.

олиб бориш тўғрисидаги сармоявий лойиҳани амалга оширадиган консорциум барпо этишга оид ҳужжатлар имзоланди. Мазкур консорциумга «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси билан бирга «Лукойл Оверсиз Холдинг» компанияси, Кореянинг миллий нефть корпорацияси, Хитой миллий нефт компанияси ва Малайзиянинг «Петронас» компанияси кирди.

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги, банк соҳаларидаги ўзаро ҳамкорлик ривожига ҳам ижобий силжишлар кўзга ташланмоқда, телекоммуникация, ахборотлаштириш, маший электротехникалар, кимё саноти соҳаларидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди. Малайзия томони Тошкент авиация заводи махсуслотлариға қизиқиш билдириди — ИЛ-114-100 самолётларини харид қилиш юзасидан шартномалар ишлаб чиқилмоқда.

Малайзия ҳукумати Малайзия техникавий ҳамкорлик дастури доирасида турли соҳадаги ўзбекистонлик мутахассислар учун ўқувлар ташкил этмоқда. Мазкур дастур доирасида ташкил этилаётган семинар ва ўқув курсла-

### Газдан хавфсиз фойдаланиш икки ойлиги

## ҲАМЖИҲАТЛИКДА ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

Хар бир ишда ўз вақтида қўрилган чора-тадбирлар самарасини бериши, шубҳасиз. Худди шундай поитхатимизда хар йили аънанавий тарзда ўтказилаётган «Газдан хавфсиз фойдаланиш икки ойлиги»нинг ҳам ушқоқликда, яъни газ билан таъминловчилар ва истеъмолчиларнинг фаолигини ва ҳамжиҳатлигида ташкил этилиши киш мавсумига тайёргарликда, кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. «Тошкентшаҳаргаз» худудий газ таъминоти корхонасининг «Мирободтумангаз» филиали директори Шокир МҰМИНОВ икки ойлиқнинг самарали ўтишида кўзда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ва бу даврда табиий газдан фойдаланувчилар эътибор қаратиши лозим бўлган вазифалар ҳақида куйидагиларни гапириб берди:

— Аввало шунини алоҳида таъкидлаш ўринлики, турмушимизга «зангори олов» чуқур кириб борган бир даврда, биз хизмат кўрсатувчилар зиммасидаги масъулятини чуқур эҳтисан ҳолда истеъмолчиларга узлуksиз ва хавф-хатарсиз табиий газ етказиб беришда имкониётлардан оқилона фойдаланишимиз зарур. Бунинг учун эса албатта, улар билан ҳамжиҳатлик, носозликларни тез ва соз бартараф этиш, газдан фойдаланишда, уни исроф қилмасликда нималарга эътибор қаратиш лозимлигини тушунтириш муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис ҳам поитхатимизда «Тошкентшаҳаргаз» худудий газ таъминоти корхонаси буйругига асосан 1 сентябрдан 1 ноябргача ўтказилаётган «Газдан хавфсиз фойдаланиш икки ойлиги»ни ташкил этиш чора-тадбирларини жамоавий ахли билан ўз вақтида белгилаб, уларни кўнгилдагидек адо этишга киришамиз. Бу 13 банддан иборат бажариладиган ишларни ўз вақтида ва самарали адо этиш учун ходимларимиз ва бу борада бизга кўмак берадиган корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда иш юрйтиялмиз.

Хозирги кунда туманда 35621 та, шу жумладан 10.922 та хусусий ва 24699 та кўп каватли уйларидаги хонадонлар кечая кундуз бехатар табиий

газ билан таъминланмоқда. Уларга газ етказиб бериш баробарида хавфсизлигини таъминлашга ҳам эътибор қаратилган. Бугунги кундаги кузги-кишки мавсумга тайёргарлик ишлари хусусида тўхталадиган бўлсак, тумандаги 97 та газ тартиблаш пунктларини мавсумга шайлаш ишлари пухта олиб борилди. Шунингдек, газ ҳўжалигидан хавфсиз фойдаланиш қоидаларига асосан хонадон эгалари хар йили кишки мавсум олдидан шахар кўнгилли ўт ўчириш жамияти ходимлари томонидан уйларидаги иситиш газ асбобларининг дудбурон ва шамоллатиш мурилари текширишлари керак. Шу боис ҳам хозирда хусусий хонадонларга ўрнатилган газ асбобларининг 13474 таси текширувдан ўтказилди, носозликлар бартараф этилмоқда. Икки ойлик давомида эса бу борадаги ишлар давом эттирилиб, ходимларимиз хар бир хонадонда тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Албатта, ойликдан кўзланган асосий мақсад киш тайёргарлигини ниҳоясига етказиш, ёнгин келиб чиқиши оқибатларининг олдини олиш, истеъмолчиларга газдан тўри фойдаланиш қоидаларини мукаммал тушунтириш, ўзбошимчалик ва ноқонуний фойдаланишларга қарши чора-тадбирларни белги-

лашдир. Шунинг учун ҳам бу борада аҳолининг иштироки, маҳалла фаолларининг кўмаги катта роль ўйнайди.

Хозирги пайтда табиий газдан фойдаланганда келиб чиқадиган ёнгин ва бахтсиз ҳодаларнинг олдини олиш мақсадида икки томонлама тасдиқланган жадвал ҳамда чора-тадбирларга асосан туман ёнгиндан сақлаш бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда қўшма рейдлар ўтказилмоқда. Уларда хонадонларда ўзбошимчалик билан ўрнатилган газ асбоблари ва резина ичак ёрдамида газдан фойдаланаётган истеъмолчилар аниқланмоқда. Уларга нисбатан жарима қўлланилмоқда, зарур ҳолларда газ тармоғидан узиб қўйилмоқда.

Икки ойлик тадбирга бағишлаб чиқарилган кўргазмаларда истеъмолчиларнинг нималарга эътибор қаратиши ўз аксини топган бўлиб, улар аҳоли гавжум жойларга осиб қўйилган. Шунинг баробарида тумандаги бозорлар, маҳаллалар, корхона ва ташкилот, муассасаларда газдан фойдаланувчилар билан тумангаз муҳандис техник ходимлари иштирокида учрашувлар, суҳбатлар ва ўзаро мулоқотлар ўтказилмоқда, тадбирнинг асосий мақсади тушунтириб боришмоқда. Буларнинг барчаси самара бериши кўзда тутилганки,


албатта кириб келаётган аёзла қиш фасли олдидан ўтказилаётган ушбу тадбиримиз яхши натижа беришига шубҳа йўқ.

— **Истеъмолчиларга асосан нималар ҳақида маълумот ва тушунчалар берилмоқда?**

— Маълумки, жуда кўп кўнгилсиз ҳодалар газдан ноқонуний ва эътиборсизлик билан фойдаланиш, назоратсиз қолдириш, болаларга уни ишлатишни ўргатмаслик натижасида юз беради. Шу боис ҳам истеъмолчилар ана шунга амал қилиши баробарида шунини ҳам унутмасликлари лозимки, уларга дудбурон ва шамоллатиш мурилари-нинг созлиги ҳақида далолатнома бўлмаганда газдан фойдаланиш, хонадонда газ хиди сезишса олов ҳамда электр асбобларини ёқиш, автоматлашган газ асбобларини ишлатаётган вақтида назоратсиз қолдириш, бир вақтнинг ўзида газ плитасининг ҳамма горелкаларини ёқиш, хоналарни газ плиталарини ёқиш иситиш, олов ёрдамида газ чиқаётган жойини аниқлаб, ўзбошимчалик билан газ асбобларини бошқа жойга кўчириш, шунингдек, газ ҳўжалиги томонидан қабул қилинмаган ўзбошимча ўрнатилган сув иситиш қозонлари, иситиш-пишириш печлари ва бошқалардан фойдаланиш ноҳуш оқибатларга олиб келишини назарда тутиб мен этилади.

Барчамизга маълумки, табиий газ — қимматбаҳо бойлиғидир. Шу боис ҳам уни авайлаб-асраб, тежаб-тергаб ишлатсак, ишлатилган газ ҳақини ўз вақтида тўласак, шунингдек газдан фойдаланиш қоидаларига қатъий риоя қилсак, фақат ўзимизга фойда бўлади. Ана шунда хизмат ҳамиша намунали ташкил этилиб, хонадонингизда мунтазам «зангори олов» ёнаверади.

Сухбатдош  
Шарифа ИЛЁSOBA



### Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

• Дастлабки маълумотларга қараганда, Польшада ўтказилган сайловда «Ҳуқуқ ва адолат» консерватив партияси ғалаба қозонди. Партия етакчиси Ярослав Качиньский мамлакатда коалиция ҳукумати шакллантирилиши ҳақида маълум қилди. Бундан ташқари Качиньский сайловда иккинчи ўринни эгаллаган «Ҳуқуқлар платформаси» ўнг либерал партияси билан музокара олиб боришга тайёр эканини ҳам билдирди. Унинг айтишича, либерал партия вакилларига янги ҳукуматдаги Сейм спикери ва бош вазир ўринбосари лавозимлари тақлим этилади.

• «Франс пресс» ахборот агентлигининг хабарига қараганда, Сьерра-Леоне полицияси 230 килограмм олтинни мамлакатдан олиб чиқиб кетишга уринган икки россиялик фуқарони қўлга олган. Маҳаллий полиция маълумотида айтишича, россиялик мазкур икки шахс олтинни қўлларига кўтарган ҳолда самолёт бортига чиқишга уринишган. Айни пайтда суриштирув ишлари олиб боришмоқда.

• Греция ноқонуний муҳожирларнинг давлат ҳудудиға кириш жараёнини Ер йўлдоши орқали кузатиш ниятида. Мамлакат ҳукумати шу мақсадда мамлакат сарҳадларидаги ноқоиш ҳаракатлар назорати учун йўлдош тизимини яратиш имкониятини кўриб чиқмоқда. 12 йўлдошдан иборат бу тизим, шунингдек, нефть конларини излаб топишда ҳам асқотади. Айни пайтда мазкур лойиҳа молиявий томондан тасдиқланиш арафасида.

• Озарбойжонда муҳолифат ва полиция кучлари орасида тўқнашувлар рўй берди. Полициянинг махсус бўлинмаси Бокунинг бош майдонига йўл олган намойишчиларни тўхтатишга уринган. Режалантирилмаган бу митинг Озарбойжонда сайлов бошланишидан олдин «Озодлик» муҳолиф партиялар блоки томонидан уюштирилган тарғибот компанияси эди. Мамлакат президенти Илҳом Алиев сайлов очик ва эркин ўтишини ваъда қилганиға қарамай, муҳолиф кучлар бунга унча ҳам ишонмаётганликларини билдиришди.

• Тўфондан сувда қолган ва вайрон бўлган Янги Орлеанада янги муаҳкам пайдо бўлди. Шаҳар коммунал хизмат хабарига қура, 22 миллион тонна ахлат чиқиндилари тўпланиб қолган. Бундай ҳажмдаги чиқиндиларни олиб чиқиш учун 3,5 миллион ахлат ташувчи автомашина керак бўлади.

Бектемир туманида ҳар йили ўқитувчи ва мураббийлар байрами кўтаринки руҳда ўтказилади. Бу йил ҳам шундай бўлди. Тумандаги "Норуда" ОАЖда ЎзЛиДеП Бектемир тумани Кенгаши ҳамда туман ҳокимлиги кўмагида байрам тадбири уюштирилди.



## ТУМАНДА БАЙРАМ ТАДБИРИ

Учрашуга таклиф этилган устоз ва мураббийларга ўзбекиона дастурхон ёзилиб, уларнинг фидокорона ва заҳматли меҳнатлари эътироф этилди. Дарҳақиқат, бугун Бектемир туманида 5 та ўрта умумтаълим мактабида 270 нафар ўқитувчи фаннинг турли йўналишлари бўйича 5843 нафар келажак ворисларига сабоқ бериб келмоқда. Уларнинг аксариятининг кўп йиллик педагогик фаолияти муносиб баҳоланган. Жумладан, машгулотларни илгор услубий янгилар билан бойита

қўмитаси раиси Кундуз Сайидалиева, ЎзЛиДеП Бектемир тумани Кенгаши раиси Рауфхон Шариповлар меҳмонларни кутлуг байрам билан самимий муборакбод этишди.

— Туманимизда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларидан келиб чиқиб бир қанча ишларни амалга оширмоқдамиз, — дейди туман Халқ таълим бўлими мудир Искандар Тожиёв. — Байрам муносабати билан эса мактабларимизга 10 та янги компьютер совға қилинди. Ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига қўшаётган улкан ҳиссаси учун бир қатор устоз-мураббийларимизга қимматбаҳо совғалар ва Фахрий ёриқлар топширмоқдамиз.

Халқимизда кенгашли тўй тарқалмас, деган нақл бор. Шу маънода мазкур тадбирнинг янада мароқли ўтишида ЎзЛиДеП Бектемир тумани Кенгашининг ҳиссасини алоҳида қайд этиш лозим.

— Партиямиз 200 нафар ўқитувчи-мураббийни ўз сафарида бирлаштирган, — дейди ЎзЛиДеП Бектемир тумани Кенгаши референти Холидаҳон Ахорова. — Негаки, партия фаолиятини йўлга қўйиш, ёшлар онгига Миллий истиқлол госянининг сингдиллишида мураббийларнинг ўз ўрни, нуфузи бор. Шу боис, ушбу тадбирни ташкил этишга тумандаги барча давлат ва жамоат ташкилотлари қатори бизнинг партиямиз ҳам ўз ҳиссасини қўшаётганидан мамнунмиз.

Бир сўз билан айтганда ўқитувчи ва мураббийлар кўнига бағишланган байрам шодиёнаси кўноқ куй-қўшиқ, дилрабо охан-оглушида янада завқли ва бетакрор лавҳаларга бой бўлди.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**  
СУРАТЛАРДА: байрам тадбиридан лавҳалар.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.



олган Шарифа Баёнова II даражали "Соғлом авлод учун" ордени, Муножат Бакирова, Саннат Қурбонвалларнинг кўксини "Шухрат" медаллари беэаб турибди. Учрашувда сўзга чиққан Бектемир тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар

## УСТОЗЛАР МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

Маълумки, мамлакатимизда ёш авлоднинг муносиб тарбиялаш, халқимиз маърифатини янада юксалтириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бунга Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда умумтаълим мактабларини ривожлантириш давлат дастури ёрқин далилдор.

1 октябрь — ўқитувчилар ва мураббийлар кўни умумхалқ байрами деб эълон қилиниши, бу соҳа ходимлари меҳнатининг ёрқин эътирофидир.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий Кенгаши ҳамда Республика ва шаҳар хотин-қизлар қўмиталари ҳамкорлигида ўқитувчилар ва мураббийлар кўнига бағишлаб ўтказилган байрам тадбирида эл-юрт ўртасида эъзоз топан, ўқитувчилар касбинини улуғлаган заҳматқаш инсонларга юксак эътироф кўрсатилди. Байрам тадбирида Тошкент шаҳри, пойтахт вилояти ҳамда республикамизнинг бошқа вилоятларидан таклиф этилган ўқитувчи ва мураббийлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари иштирок этдилар.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Фарида Абдурахимова устоз ва мураббийларни касб байрам-

лари билан қутлаб, уларнинг шарафли ва заҳматли меҳнатлари фақат эзгуликка йўрилганлигини, ёш авлодга таълим-тарбия беришдек масъулиятли вазифани сидқидилдан адо этиб келаётган азия устозлар доимо элимиз ардоғида эканликларини таъкидлаб ўтди. Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон халқ шоири Махмуд Тоиров устозларга бағишлаб ёзган шеърини ўқиди. Ўз навбатида ўқитувчилар ҳам ўзларининг дил сўзларини изхор этишди.

Шодиёна байрам тадбири сўнггида энг фаол ўқитувчи ва мураббийлар Ўзбекистон ХДП марказий Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Элимиз ардоғидаги таниқли санъаткорлар ижросидаги дилрабо куй-қўшиқлар, гўзал рақслар тадбирга ўзгача файз киритди.

**Дилором ИКРОВОВА**

*Милоҳаза, милоҳаза*

## КҲНГИЛДАГИ ГАПЛАР ГУНОҲИМ НИМА?

Ўша тўйга бормасам бўлар экан. Ҳаммаси шундан бошланди. "Кимга тўй, кимга аза" деганлари шу бўлса керакда. Нега бу аёл мактубини бунақа тушун қайфиятда бошлапти, деб хайрон бўлсаларингиз керак. Келинг, яхшиси воқеани бир бошдан ҳикоя қила қўлай.

Яқин қариндошларимиздан бири келин туширди. Қутлагани оиламиз билан бордик. Кечки никоҳ базмида қатнашдик. Келин ва кўвнинг анъанавий никоҳ маросими ўтгандан кейин, ўйин-кулги бошланди. Санъатчилар даврани қўзишти беришди. Улар уч-тўртта қўшиқ айтгандан сўнг, ўз-ўзидан ўртада ўйинчилар қўлайиб кетди. Олдинга бир томонда йигитлар, бир томонда қизлар, аёллар ўйнаб туришди. Кейин ҳамма аралаш-қуралаш бўлиб кетди.

Тўй яриллаб қолганда ўртада ўйнаётган йигитлардан бири мени даврага таклиф қилди. Табиийки, мен унамадим. Кейин ўша йигит яна ва яна келиб, менинг ўйинга тушишимни илтимос қиларди.

Ёнидаги аёлларнинг: "Вой туринг, ўйнай қолинг" деган гапларидан сўнг, ўрнимдан туриб ўйнаган бўлдим. Биздан 2 стол нарида тўй эгалари билан гурунлашиб ўтирган турмуш ўртоғим мен томонга бир-икки ўқрайиб қараб қўйди. Унинг норози кайфиятини сезиб, дарҳол жойимга бориб ўтирдим.

— Вой ўйинчи чилаки қилиб юбордингизку, — қулишди бизнинг даврада ўтирган аёллар. — Юринг. Шохидохон, бир ўзингиз улаётган бўлсангиз иккаламиз ўйнаймиз, — дея қўрда-қўймай қўлимдан тортиб қариндошларимиздан бири.

Турмасам ноқулай, ноилоҳ яна ўйинга тушдим. Бу гал ўртада анча айландик. Эрим томонга қарайиб қўйдим. Ахир бир ўзим эмасманку, ўртада яқинларимиз ҳам ўйнаптику. Нима қариндошнинг тўйида ҳамма ўйин-кулги қилиб ўтирганда, мен бир чеккада хўжайрий ўтирмайманку, деган ҳаёлда эдим.

Қўшиқ тугаши билан жойимизга келиб ўтирдик. Ўртага яна бошқа санъаткорлар тушиб шўх куй бошлашди. Ичиб олган шекилли, боғли йигит келиб, яна хиралик қилиб ўйинга торти.

— Ўйнаб чарчадам, дам оламан. Бошқаларни ўйинга таклиф қилинг, — дедим. У нари кетди, бироз ўйнаб яна ёнимга келди. Нима қўлишимни билмай ҳижолат тортиб ўрнимдан турдимда, турмуш ўртоғим ўтирган столга яқинлашиб секин унинг қулоғига: "Туринг, кетайлик" дедим.

Қариндошларимизнинг норозилигига қарайиб хайр-хўшлашиб тўйхонани тарк этдик. Йўлда бошланган рашк машмасида уйга келган авжга чиқди.

Хуллас шу кеча турмуш ўртоғим билан қўйиб-чиқилганча бордик. У авж олгандан авж оларедим. Қарасам бўлмайдиган. Эрталаб тўйида иккита боламини олдимда, ота ҳовлимга жўнаб кетдим.

Мана орадан уч ҳафта ўтди, ҳамон эримдан дарак йўқ. Бу орада икки марта отам бориб у билан учрашиб, бор гапни тушунтириб келди. "Қизингиз ўша кўни номусини ерга буқди", деди.

Энди сизлар айтинг, азизлар! Нима тўйда ўйнаш гуноҳми? Тўйчилик-да, биров сени ўйинга таклиф қилса шунинг нимаси ёмон? Хуллас ҳозир шундай ҳаёллар гирдобиди ораман. Айтинг, нима қилсам, турмуш ўртоғим сўзларига ишониб, мени тушунди?

Шоҳида ҚАРИМОВА

## РАҲМАТ СИЗГА, ШИФОКОРЛАР!

Икки қўлим хиралашиб қолди. Унга-бунга қўрсатдик. Дори-дармон қилдик. Натижаси бўлмади. Кўн сайин дард оғирлашиб бораверди. Охири Республика кўз касалликлари шифохонасига бориб, профессор Холидбек Комилловга мурожаат қилдик. У киши кўзимни синчиклаб кўрдиларда, баъзи нарсаларни сўраб-суриштирдилар. Сўнг:

— Кўзингиз яхши бўлиб кетади. Фақат уни жарроҳлик йўли билан очамиз, — дедилар. Биз розилик билдирдик. Шу кўни шифохонага элдим. Икки кундан кейин операция қилишларини айтишди. Бироз қувонч, бироз қўрқув билан икки кўнни ўтказдим.

Эрталаб биз ётган палатага профессор Комилловнинг ўзлари кирдилар. Хол-аҳвол сураганимиздан кейин операцияни ўзлари қилишларини айтиб, қайта-қайта тасалли бердилар.

Операция муваффақиятли ўтди. Ўша кўни кечки томон уйқудан уйғондим. Қарасам кўзимда ҳеч қандай боғичлар йўқ. Қўрқа-писа аста кўзимни очдим. Олдинга олдимда хира туман аралаш ёрулик пайдо бўлди. Қўрқиб кўзимни юмиб олдим. Бироз ҳаяжонимни босиб олган, кўзимни қайта очдим. Атрофга дадил қарадим. Теваракдаги буюмларга синчков боқдим, қараган сари яхши кўряпман. Бир хурсанд бўламан, бир хурсанд бўламан.

Эртасига эрталаб яна палатага Холидбек ака кириб келдилар. Уларни қўриб қувонганимдан кўзимга ёш келди.

— Ача холос, — дедилар у киши мени юпатиб. Кейин сўрадилар, — қалай яхши кўряпсизми?

— Яхши. Худди аввалгидек тинч кўряпман. Раҳмат сизга, профессор, — дедим уларга миннатдорчилик билдириб.

Яхшиямки дунёда биз беморларнинг бахтига дардимизга шифо бағишлайдиган Комиллов сингари қўли гул, меҳрибон шифокорлар бор.

Касалхонадан даволаниб чиққандан бери шу ҳақда ўйлайман. Дилимда ва тилимда "Раҳмат сизга, шифокорлар!" деган сўзни қайта қайта такрорлайман.

Холид АЗИМОВА

## ИВВОГАРНИНГ УЙИ КУЙСИН

Ҳаётимда иввогар ва чакимчиларга кўп дўчор бўлганману лекин бу сафаргидек улар менга келтирган адолатсизликларини кўрмаганман. Бир иввогар чакимчининг тўхмати билан иш жойимдан кетдим. Барбир ҳақиқат тантана қилади, вақти келиб ўша иввогар қилмишига пушаймон бўлади, деган мақсадда бўлиб ўтган воқеани пинҳон тутдим. Лекин аламимдан шундайлар ҳақида бир-икки оғиз сўз айттим келди.

Дунёдаги мавжуд иллатлар орасида энг ёмони иввогарлик ва чакимчилик эканлигини тушунадим. Чиндан ҳам, чакимчи бор жойда соғлом муҳит бўлмайди, одамлар, ҳаммаслар орасида руҳсизлик, бир-бирини кўрмоқчилик, ишонсизлик, гина-адолат ҳужм сўради. Шунинг учун ҳам бирон даврада чакимчилик ҳусусида сўз босса, йиғилганлар: "Чакимчининг бети курсин" дея бу мавзуга чек қўйишди.

Шу ҳусусида бир мисол эшитганим. Шунки сиз билан ўртоқлашмас балки энгил тортарман. Халқ орасида хурматга эга бўлган бир одам кўндан ўтиб бораётган эди. Икки кишининг урушиб-ёқаллашиб турганини кўрди. Анча одам тўпланган. Мўътабар одам ёқаллашиб турганларни бир-биридан ажратмоқчи бўлди. Шу орада узоқда турган бир нотаниш кимса мўътабар одамни ҳақорат қилди. Лекин у бунга эътибор бермади, ёки унинг сўзини эшитмади.

Мўътабар одам ўз йўлида давом этар экан, бир киши унинг ёнига келиб: — Сизни фалончи ҳақорат қилди, эшитмадингиз, ўша одам менинг қўшим бўлади, — деб қўлисини ёмонлади.

Чакимчи кетгандан кейин мўътабар одам ўша чакимчи ёмонлаган кишини ўз ҳузурига чақиртирди. У эса ўшанда бу одам мен ҳақорат қилганиمنى эшитган эканда, деган ҳаёлда қўрқа-писа мўътабар кишининг олдига келди.

— Эй нотаниш инсон, менинг сенга ҳеч қандай ҳусуматим йўқ. Фақат сени оғоҳлантириш учун чақирдим. Сеннинг бир ярамас чакимчи қўшининг бор, ундан эҳтиёт бўл. У чакимчи ўз қўлишини билан кўн ўтиб сенга зарар келтириши мумкин. Бундан кейин у билан ошанчилик қилма. Иввогар, чакимчи энг ярамас одамдир, — деди сўзига яқун асаб.

Қиссадан ҳисса чиқаришни хар кимнинг ўз ҳукмига ҳавола этдик.

Комил САЪДИЕВ

Бу ёруғ оламни, мусаффо осмону кўш ва юлдузларни, теварак-атрофни, боринги бутун борлиқни мана шу кўзларимиз билан кўриб завқланамиз, идрок этамиз. Ақлимизни таниб, кўзларимиз билан ўқиш ва ёзишни ўрганаемиз. Мабодо кўзларимиз хиралашса ё кўрмай қолсачи, бу ёруғ олам зимистонга айланади. Бундай ҳолат ҳеч кимнинг бошига тушмасин. Шунинг учун энг нозик ҳисобланган кўзларимизни доимо асрашимиз, бирор хасталик аниқланганда вақтида даволатишга ҳаракат қилишимиз керак.



2005 — Сихат-саломатлик йили


### «ШИФО-НУР» — КЎЗЛАРГА НУР

Бугунги кунда шахримизда фаолият юритаётган «Шифо-нур» кўз лазер микрожаррохлик маркаси кўпчиликка яхши таниш албатта. Ушбу марказда қанчадан-қанча беморларнинг кўзларига қайта нур бахш этиб, дардларига малҳам бўлаётган малакали шифокор ва жарроҳлардан кўпчилик миннатдор. Мазкур даво марказига ҳозирги кунда нафақат шахримиз ва республикамиз шифокорлари, балки Тожикистон, Қозғистон, Қирғизистон ва Афғонистондан ўз дардларига даво истаб келган беморлар бу ерда малакали мутахассислардан шифо топишмоқда.

Бошлади. Мен ушбу марказдаги малакали хизмат ва ширинсўз, ўз касбининг моҳир усталари бўлган шифокорлардан жуда ҳам миннатдорман. — Бу ёруғ дунёни, яқинларингизни кўрашга, энг оғир кулфат бўлса керак, — дейди Андижон вилоятидан келган 20 ёшли бемор Мансур Абдурахимов. — Икки кўзим бирдан хиралашиб, узоқни яхши кўролмайдиган бўлиб қолдим. Кўзойнақ тақибни хоҳламадим, контакт линзага ҳам ўргана олмадим. «Шифо-нур» клиникаси ҳақида эшитиб келдим. Бу ерда малакали ва тажрибали жарроҳ, клиника раҳбари Алишер Худойбердиев кўзларимни синчиклаб текшириб, лазер ёрдамида даволадилар. Ҳозир кўзойнақсиз кўзларим яна ҳам равшан кўраяпти. Мен бу клиниканинг беморлар дардига малҳам бўлаётган хушмуомала,



ёрдамида аниқ тахис қўйиб, катарактани лазер экстракцияси ва миопия, гиперметропия, астигматизм ҳолатларини эксимер лазер коррекцияси ёрдамида даволанилади. — Марказимиз Германия, Канада, Япония, Швейцария ва Россияда ишлаб чиқарилган замонавий тиббий асбоб-ускуналарга эга, — дейди «Шифо-нур» кўз лазер микрожаррохлик маркази директори Алишер Худойбердиев. — Ушбу асбоб-ускуналар кўз патологияси билан клиникага келган ҳар қандай миқозни тўла-тўқис текшириб, тахис қўйиб билан бир қаторда ноёб имкониятларга ҳам эга. Бу ерда катаракта (кўз пардасининг хира тортишининг лазер экстракцияси каби кўз қорачиғига оид ноёб жаррохлик ишлари бажарилмоқда. Жумладан, янги технологик йўналиш — эксимер лазер жаррохлиги амалга оширилмоқда. Бу узоқни яхши кўролмастик ва астигматизмдан халос бўлиш имконини беради. Клиникамиз эксимер лазер жаррохлигига оид ноёб технологияни қўллаётган республикамиздаги дастлабки ва ягона муассаса ҳисобланади. Биз узоқни яхши кўра олмастик ва астигматизм билан боғлиқ муаммолардан бир умрга халос бўлишга кўмаклашамиз. Хавфсиз муолажа мутлақ тирсиз ва оғриқсиз амалга оширилади. Шу билан бирга, юқори малакали жарроҳ назорати остида юқори даражада аниқлик билан ишлайдиган компьютер ёрдамида бошқариладиган сканер лазер тизими, шунингдек, Германияда ишлаб чиқарилган, бугунги кунда Марказий Осиёда энг мақбул ва ягона ҳисобланган MEL-70 эксимер лазер тизими қўлланилади.



муржон Сайдалиев. — Тошкентдаги «Шифо-нур» маркази ҳақида эшитиб даволаниш учун келдим. Бу ерда тажрибали, қўли энгил жарроҳ Равшан Мирҳалиқов менинг кўзларимни синчиклаб кўриб даво ёрдамида ҳеч қандай оғриқсиз ўнг кўзимдаги пардани олиб, сунъий гавҳар қўйдилар. Ва тез фурсатда кўзларим янада равшан кўра

биллими шифокорларидан бир умр миннатдорман. Бу каби дил сўзларини яна кўнлаб келтириш мумкин, албатта. Ҳақиқатан ҳам «Шифо-нур» кўз лазер микрожаррохлик маркази бугунги кунда ҳамшахарларимизга юқори малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда. Клиникада тиббиётда энг сўнгги компьютерлаштирилган асбоб-ускуналар

**Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: «Шифо-нур» кўз лазер маркази фаолиятини даволатди.**  
**Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.**

Жумладан, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия ташкилотининг Тошкент шаҳар таянч маскани томонидан бу борада амалга оширилаётган ишлар самарали бўлмоқда. Ушбу жамғарма оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, кам таъминланган оилалар, бемор болаларни ижтимоий ва тиббий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида мунтазам хайрия тadbирларини ўтказиб келмоқда.

## СОҒЛОМ АВЛОД КАМОЛИ ЙЎЛИДА

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач аҳолининг муҳтож қатламларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида ҳукуматимиз томонидан муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан «Сихат-саломатлик йили» давлат дастури ҳамда ҳукуматимиз томонидан 2002 йилда қабул қилинган «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг муҳим йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарор халқимиз саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилгандир.



«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси шаҳар таянч маскани раҳбари Махбуба Маҳкамбоева. — Жорий йилда жамғарма томонидан маҳаллаларда «Соғлом авлод учун» келажак пойдевори», «Исталмаган ҳомилдорликнинг олдини олиш», гигиена қондаларига риоя қилиш, тўғри овқатланиш мавзуларида оила шифокорлари билан ҳамкорликда учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилди. Йил давомида Учтепа, Собир Раҳимов, Шайхонтоҳур туманларида тиббий, ижтимоий патронаж жараёнида «Амбуланс» бригадаси ва Скрининг маркази шифокорлари томонидан маҳаллаларда маърузалар ташкил этилди. Шунингдек, «Иод танқислигининг асоратлари», «Шахсий гигиена» мавзуларида олий ўқув юрталари, мактабларда шифокорлар билан ҳамкорликда учрашувлар уюштирилди. Талабалар ўртасида «Никоҳланувчи шахсларнинг тиббий

дан бир миллион сўмлик муруват ёрдамлари (12 турдаги дори-дармонлар) тарқатиш хайрия акциялари 10 та тумандаги маҳаллаларда ва оилавий поликлиникаларда амалга оширилди. Шунингдек, тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси ёрдамида Учтепа, Собир Раҳимов ва Шайхонтоҳур туманларида 40 нафар ёлғиз кексалар ва ногиронларни уйма-уй юриб тиббий кўриқдан ўтказилди, уларга зарурий 5 хилдаги дори-дармонлар, чойшабаблар, озиқ-овқат пакетлари топширилди. Икки нафар кам таъминланган оила фарзандларининг даволаниши учун 75 миң сўм маблағ билан ёрдам кўрсатилди.

«Амери-Керз» муруват ташкилоти томонидан дори дармонлар, тиббий ашёлар, санитария-гигиена буюмлари, йод танқислиги бўйича витаминлар ва озиқ-овқатлардан иборат пакетлар аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларига топширилди.

Айтиш жоизки бу каби муруват ёрдамларини кўрсатишдан мақсад, албатта ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга кўмак бериш, анемия билан касалланган ҳомилдор аёлларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш ва соғлом авлод туғилишини таъминлашдан иборат. Уйлаймики, бундай муруват тadbирлари мамлакатимизда доимо давом этади. Зеро бу халқимизнинг меҳр-муруватли, хайр-саховатли эканлигидан далолатдир.

**Гулором ҲАМИДОВА СУРАТДА: «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси шаҳар таянч маскани томонидан ўтказилган тadbирдан лавҳа.**

# САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

### АГАР БОШ ОҒРИСА...

Агар бош оғриси, аввало, тезда шифокорга мурожаат қилиш керак. Қолаверса, миң йиллар синовлардан ўтган тажриба, амаллиқ асосда синналиб келган халқ табобатида амалда фойдаланиш, шубҳасиз, фойдадан ҳоли бўлмайди.

Агар бош оғриси, аввало, тезда шифокорга мурожаат қилиш керак. Қолаверса, миң йиллар синовлардан ўтган тажриба, амаллиқ асосда синналиб келган халқ табобатида амалда фойдаланиш, шубҳасиз, фойдадан ҳоли бўлмайди.

Чунончи, бош оғриганда ёнғоқнинг кўк қобиғи хина билан аралаштирилиб, оғриётган бошга сурилса, дарҳол оғриқни қолдиради.

Агар акас (акация) қийғос гуллаганда чайилган барғи ва гулини мис чойнакка солиб биланар-биланмас 3-4 дақиқа қайнатиб, кунига овқатдан 1 соат аввал ичилса, бош оғриғи қолади.

Агар акас (акация) қийғос гуллаганда чайилган барғи ва гулини мис чойнакка солиб биланар-биланмас 3-4 дақиқа қайнатиб, кунига овқатдан 1 соат аввал ичилса, бош оғриғи қолади. Мабодо наҳорга ҳеч нарса тановул қилинмай, янтоққ сувини бурунга 1-2 дақиқа томизилса, шубҳасиз, киши бош оғриғидан халос бўлади.

### ГИЁВАНДИК, ЧЕКИШ, ИЧКИЛИК — АСР ВАБОСИ

Йиллар, оилар, қунлар, дақиқалар гувиллаб ўтаяпти. Сизлар яшасиз жамиятнинг кичик бир қисмини захарлаб, ҳеч бир мақсадсиз, умиди истаклар сўнган. Қалбингизни энг гўзал хис-туйғулар аллақачон тарқ этган. Мен асли кимман? Нимага қодирман. Бу оламда борлигимдан не наф, деган саволлар сизни қийнамай қўйган. Бунинг нақадар дахшатли эканлигини, тусиз жарлик томон кетаётганингизни билсангиз эди...

Учтепа тумани, Раҳимбоев кўчасида истиқомат қилувчи, Нодира ЧОРИЕВА шундай дейди: — Ўғлим яқинда чекишни бошлади. Билмадим унга нима етишмапти. Хоҳлаган нарсасини маънайд қилаяпти, ҳеч нарсадан қамчилиги йўқ. Ҳўшилари ҳам яхши. «17 ёшдаман, энди ёш бола эмасман, ҳаётимга ўзим хавобгарман» дейди. Нима қилишга ҳайронимиз. Тарбияда хатога йўл қўйдикмики? — Эрим ҳеч қаерда ишламайди. Қўлига тушган нарсани қўчмага чиқариб сотади, пулига арок олиб ичади. Болаларимдан уялман, маҳаллада бош кўтра олмай қолдик. Қўча-қўйда гандираклар, йиқилиб, баъзан жанжал қилиб туради. Хўши жойидалигига эса: «Ўзимга қолса инаримдим, ишсизлигимдан, пулсизлигимдан, аламиндан ичаман» дейди, қийналиб кетдим, — дей-

лигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан мазкур мақола атрофича ўрганиб чиқилиб, марказ бош шифокори Б.Қурбоновнинг имзоиси билан тахририятга улардан қуйидагича жавоб юборилган: Мақолада кўрсатиб ўтилган музқаймоқ маҳсулоти «NORTH-STAR» қўшма қорхонаси томонидан O'zDST 961:2000 Ўзбекистон Давлат стандарти ҳамда 2005 йил 22 апрелда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазир-

### Шифокор оғошатиради

## ОШҚОЗОННИНГИЗНИ АСРАНГ

Уйдаги анжомларни, бебаҳо ҳисобланган идишларни ардоқлаб, жавонларга эҳтиётлаб ясашиб, тилла тақинчоқларни антиқа қутичаларга солиб, қўнлаб асраймиз ўзимиз учун кечую кундуз беминнат хизмат қилаётган, сув келса симириб, тош келса кемириб, ҳамма оғирлиқни ўзига олувчи ошқозонимизни унутиб қўямиз. Унутуши ҳам майли, «душманлар» қўлига ўз ихтиёримиз билан топширамиз.

Масалан, душманларимиздан ичкиликни олсак. Ичкилик — ошқозонни тилка-пора қилади. Чекиш — ошқозонни гўёки зиндонни банд этади. Аччиқ қалампир ва мурулар ўзларининг ўткир тиллари билан ошқозонни санчиб ташлайдилар. Оғир бадхўр таомлар истеъмолни ошқозон учун гўёки уч пудди тош оғирлигини беради. Абу Фароҳ айтганидек: «Меъёр — табиатнинг қонунидир, соғлиқнинг посбони, шунинг учун овқатда, ичкиликда, ҳаракатда меъёрий иш тутиш зарур». Донишмандлар бежиз айтмаганлар: «Нонуштани ўзинг, тушликни дўстинг билан баҳам кўр, кечкурунги овқатни душманнинг бер».

Кўпчилик аёлларимиз хўшбичим бўлиб кўриниш учун, узоқ вақт овқатланмасликни афзал кўришади ва ошқозонга жабр қилишади. Натижада ўт халта, ошқозон ости бези ва ошқозон касалликлари келиб қиқади. Шифокорларнинг маслаҳатисиз қилинган дори-дармонларга келсак, улар фақат ошқозоннинг ишини бузибгина қолмай, ичакларнинг микрофлорасига путур етказишади. Натижада ичкетар бўлиб қолишга олиб келади. Ич кетиш натижасида организмдан

керакли оксиллар, ёғлар, углеводлар ва минералларнинг чиқиб кетишига сабаб бўлади. Энди стрессларга келсак, инсоннинг асаб - рўзғари тизимдаги ҳар қандай ўзгаришлар бутун вужудга акс-садо бериши табиий.

Инсон қаттиқ ҳаяжонланганида биринчи бўлиб юрак, иккинчи бўлиб ошқозон ва учинчи бўлиб ичаклар таъсирланар экан. Бундан кўришиб турибдир, стрессларда ошқозон ва ичак тизими биринчилар сафида зиён-заҳмат чекар экан. Ошқозонга кўрсатилган бу таъсир яъни стресслар, ошқозоннинг шиллик қавайтида жойлашиб, хлорид кислотаси ишлаб чиқариладиган безлар фаолиятининг кучайиб кетиши билан ифодаланади.

Ошқозон ичида узоқ муддат кучли кислотали муҳит бўлиши унинг шиллик қаваитининг емирила боришига сабаб бўлади. Хлорид кислотасининг кўпайиши давтавал ошқозон шиллик қаваитини яллигантиради, кейинчалик турли-туман шакли ва ўлчамли яра-ларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, стресс ҳолати натижасида овқатнинг ошқозондан ўн икки бармоқли ичакка ўтиш ва

сўрилиш жараёни бузилади. Илм-фан, техниканинг тараққиёти ўз-ўзидан жисмоний ҳаракатнинг камайишига олиб келяпти ва экологиянинг бузилиши, шовқин-суронларнинг кўпайиши инсонлар асабининг таранглашишига ва жиззақилиқнинг намоеён бўлишига сабаб бўлмоқда. Булардан қочиб қутулиш қийин, аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам инсон ўзини қўлга ола билиши, хатарли хис-ҳаяжон довулидан вужуд кўргонини асрай олиши лозим. Асабийлашганингизда беш марта чуқур нафас олинг ва ичингизда йигирмагача сананг. Шунда озрок ховуригиздан тўшасиз, ақлингизни пешлайсиз ва ноўрин гапирингиздан ўзингизни асрайсиз. Ёмон кайфиятда айтилган сўз ва қилинган иш яхши натижа бермайди.

Л.Толстой айтганидек: «Одамнинг ёмон кайфияти аввало унинг ўзини, кейин бошқаларни бахтсиз қилади. Яхши кайфият эса, бамисоли ёғ бўлиб, ҳаёт гилдирагини айлангантиради».

Соғломлик, хўшбичимлик ва гўзаллик бу — вақтинликдир. Хотида ОЧИЛОВА, олий тоифали шифокор.

### «Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

## АЛДАГАНИ БОЛА ЯХШИМИ?

Газетамизнинг 2005 йил 14 сентябрь сонида «Алдагани бола яхшими?» сарлавхали мақола эълон қилиниб, унда «NORTH-STAR» маъсуляти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқарилаётган мевали музқаймоқ ҳақида ҳамшаҳримизнинг эътирози баён қилинган эди.

Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан мазкур мақола атрофича ўрганиб чиқилиб, марказ бош шифокори Б.Қурбоновнинг имзоиси билан тахририятга улардан қуйидагича жавоб юборилган: Мақолада кўрсатиб ўтилган музқаймоқ маҳсулоти «NORTH-STAR» қўшма қорхонаси томонидан O'zDST 961:2000 Ўзбекистон Давлат стандарти ҳамда 2005 йил 22 апрелда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазир-

лигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати департаменти томонидан келишилган технологик йўриқномаси асосида ишлаб чиқарилимоқда. Қорхонада ушбу маҳсулотни ишлаб чиқариш учун 2005 йил 2 майдаги 080908-рақамли гигиена сертификати ҳамда 17 майдаги NSS.UZ.01.026. 0350886-рақамли мувофиқлик сертификатлари мавжуд.

Хулоса сифатида шунини айтиш жоизки, ушбу музқаймоқ тегишли талабларга жавоб беради.

Бундан ташқари, стресс ҳолати натижасида овқатнинг ошқозондан ўн икки бармоқли ичакка ўтиш ва сўрилиш жараёни бузилади. Илм-фан, техниканинг тараққиёти ўз-ўзидан жисмоний ҳаракатнинг камайишига олиб келяпти ва экологиянинг бузилиши, шовқин-суронларнинг кўпайиши инсонлар асабининг таранглашишига ва жиззақилиқнинг намоеён бўлишига сабаб бўлмоқда. Булардан қочиб қутулиш қийин, аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам инсон ўзини қўлга ола билиши, хатарли хис-ҳаяжон довулидан вужуд кўргонини асрай олиши лозим. Асабийлашганингизда беш марта чуқур нафас олинг ва ичингизда йигирмагача сананг. Шунда озрок ховуригиздан тўшасиз, ақлингизни пешлайсиз ва ноўрин гапирингиздан ўзингизни асрайсиз. Ёмон кайфиятда айтилган сўз ва қилинган иш яхши натижа бермайди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Анжуманлар

## АЁЛ ВА САЛОМАТЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Яққасарой туман хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан туманда сиёсий, маънавий, маърифий, тиббий маданиятни ошириш мақсадида бир қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Уларни ўтказишдан мақсад хотин-қизларнинг диний-маърифий, маънавий, ахлоқий масалалар бўйича малакасини оширишдан иборатдир.

Жумладан, яқинда Яққасарой туман ҳокимлигида "Аёл ва саломатлик" мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

Мазкур тадбирни Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, Яққасарой туман хотин-қизлар кўмитаси, туман ҳудудий тиббий бирлашмаси, туман халқ таълими, ФХД, "Қамолот" бўлимлари "Оила

ва аёл" маркази Сихат-саломатлик йилига бағишлаб ҳамкорликда ташкил этилди.

Кечани туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилором Шарипова очар экан, аёл жамиятининг устуни, оиланинг фойди, ҳаётнинг ифори гули эканлигини, аёлларни

эъозлаш, асраш асосий вазифалигини таъкидлаш баробарида соғлом ондан ҳаётимиз давомчилари, хонадонимиз кўрки, умримиз мазмуни бўлиб, ҳар бир аёл ўз саломатлигини асраб-авайлаши шарт эканлигини қайд этиб ўтди.

Шунингдек, анжуманда профессор О.Каримова, туман бош имом хативи А.Ҳамдамов, 17-оилавий поликлиника бош шифокори М.Сулаймонова "Оилада тиббий маданиятни ошириши, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши, уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириши, маънавий-маърифий кечаларни ўтказиб туриш борасида сўзга чиқдилар.

Анжуман мунозара, мулоҳазаларга бой тарзда ўтди.

Гулнигор САТТОВА

— Ўзбек дипломатлари узок асрлик тарихга эга, — дейди С.Сафоев. — Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини ўн уч йилдан буён юртимизни жаҳонга ҳар томонлама танитадиган малакали кадрларни, Ўзбекистоннинг манфаатларини илгари сурадиган, ҳимоя қиладиган дипломатларни тайёрлаб келмоқда.

— Содик Солихович, мазкур университетнинг ташкил этилиши тарихи ҳақида қисқача тўхталиб ўтсангиз.

— Мустақиллик Ўзбекистон учун сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий тараққиёт йўлини очиб берди. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини ҳам Истиклолимиз ҳосиласидир. У 1992 йил 23 сентябрда Президентимиз Ислам Каримов Фармонига биноан ташкил этилган. Шу даврдан бошлаб давлатимизнинг ташки сиёсат, халқаро муносабатлар соҳасидаги фаолияти учун кадрлар тайёрлаш маскани сифатида иш юритиб келмоқда.

Ўтган давр мобайнида университет «Халқаро иқтисодий муносабатлар», «Халқаро ҳуқуқ» ва «Халқаро муносабатлар» йўналишлари бўйича малакали кадрлар тайёрловчи асосий таълим масканига айланди. Жорий ўқув йилидан магистратура бўлимига Халқаро журналистика йўналиши бўйича таълим дастури ҳам қўшилди.

Барча йўналишлар бўйича бакалаврлар, магистрлар, фан номзодлари ва фан докторлари тайёрлаш борасида катта тажриба тўпланди.

Университетда талабаларнинг чуқур ва ҳар томонлама мукамал билим олиши, малакали, фидойи мутахассис бўлиб етишиши учун барча шарт-шароит яратилган. Мақсад — университетда таълим олаётган ёшларни замон талабларига жавоб берадиган, халқаро майдонда узоқлик билан иш юрита оладиган мутахассис этиб тайёрлашдир.

— **Дунё ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг муносиби ўрни бор. Бу борада университетнинг ҳиссаси қандай бўлапти?**

— Университетнинг 13 йиллик фаолияти давомида 1740 нафар бакалавр, 320 нафар магистр тайёрланди. Битирувчиларимиз муҳим давлат

хизматларида, Ташқи ишлар вазирлигида, Ўзбекистоннинг хориждаги дипломатик ваколатхоналарида, етакчи тармоқлар ва корхоналарда муваффақиятли фаолият юритмоқда.

— Президентимиз етук ва малакали кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиб келмоқдалар. Университетда бу йўналишда қилинаётган ишлар тўғрисида сўзлаб берсангиз. Таълим сифатини ошириш юзасидан қандай

технологиялари билан таъминлангани ҳам таълим самардорлигини оширишга ёрдам бермоқда. Университетимизда айни шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратилиб, махсус дастур ишлаб чиқилган. Унга кўра, жорий йилнинг сентябрь ойидан университетнинг ҳар бир биносида махсус жиҳозланган учта мультимедиа ўқув хоналари иш бошлади.

Илмий кенгаш қарорига биноан келаси ойда БМТ ёрдамида юзта замонавий

ликлар яратилган. Илмий изланишга қизиқиш доимий равишда рағбатлантириб борилади. Талабаларимиз турли олимпиада ва танловларда юқори ўринларни эгаллаб келишмоқда. Хусусан, жорий йилда 15 нафар талабамиз республика олимпиадасида турли фанлар бўйича ғолиб бўлди.

— **Университетнинг бугунги кундаги ташқи алоқалари қандай?**

— Университетимизда халқаро алоқаларни ривожлантириш ва уларнинг самардорлигини ошириш мақсадида турли халқаро конференциялар, семинарлар, симпозиумлар, учрашув ва бошқа тадбирлар ўтказилиб, хорижий ҳамкорлар билан фаол иш олиб боришмоқда.

Жорий йилнинг ўзида 50 нафар талаба бакалавр, иқтисодиёт магистр даражасига эга бўлиш учун хорижий давлатларнинг етакчи университетларига юборилган бўлса, учта аспирантга илмий ишни хорижий таълим масканларида ёзиш имконияти яратиб берилди.

Шунингдек, 25 ўқитувчи ва 8 нафар илмий ходим семинар, турли симпозиумларда иштирок этиб, малака ошириб қайтди.

Умуман, университетимиз Осиё, Европа ва уммонортидаги йирик ва нуфузли олий ўқув юртлири билан ҳамкорлик алоқаларини яхши йўлга қўйган. Жами 23 хорижий университет ҳамда илмий марказ билан шартнома, келишув ва битимлар имзоланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг ташкил этилиши Ўзбекистоннинг янги дипломатия мактабининг шаклланишида муҳим ўрин тутди, миллий давлатчилигимизнинг халқаро муносабатлар борасидаги аънавали тикланди. Президентимиз ташаббуси билан бугун Ўзбекистон миллий дипломатия асосларини мустаҳкамлашда, бу нозик соҳа учун етук мутахассислар тайёрлашда катта устуқларни қўлга киритмоқда.

ЎЗА МУХБИРИ  
Акмал НАЗАРОВ  
сўхбатлашди

## ДИПЛОМАТЛАР МАКТАБИ

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини ташкил этилганга 13 йил бўлди.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашида Президент Ислам Каримовнинг 1992 йил 23 сентябрдаги Фармонига биноан ташкил этилган Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг ўзига хос ўрни бор. Мазкур олий ўқув юрти фаолияти ҳақида ЎЗА мухбири университет ректори Содик САФОЕВ билан сўхбатлашди.

чора-тадбирлар амалга оширилади, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури университет ҳаётига қандай таъдир этилмоқда?

— Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосан халқаро майдонда мамлакатимиз манфаатини ҳимоя қила оладиган малакали мутахассислар тайёрлаш тизими тўла йўлга қўйилган. Президентнинг кучли кадрлар потенциал тизимини шакллантириш концепциясига мувофиқ университетда кадрлар тайёрлашнинг махсус давлат стандартлари ишлаб чиқилиб, кенг жорий этилмоқда.

Ривожланган мамлакатларнинг олий ўқув юртлири тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, таълим режаси ва дастурлари доимий равишда такомиллаштириб борилмоқда. Шу мақсадда университетда ўқув режаси ва дастурлар тараққиётининг динамикаси ва мониторинги мунтазам ўрганилиб, таҳлил этиб борилади.

Ўқув жараёни самардорлигини доимий ошириб бориш йўли билан таълим ситхати юксалтирилади. Бунда энг илгор таълим технологиялари, ўқув ва ахборот материалларининг амалиёт билан чамбарчас боғлиқлиги муҳим ўрин тутди. Ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликдан ҳам кенг фойдаланилади.

Ўқув жараёнининг замонавий ахборот-коммуникация

компьютерга эга бўлган Рекурс марказини ишга тушириш мўлжалланмоқда. Уларнинг барчаси интернет тармоғига уланади.

Университетда ҳозир компьютер ва LCD проекторлар билан жиҳозланган етти та махсус маъруза аудиторияси ишлаб турибди. Келажакда улар сонини 16 тага етказмоқчимиз.

Бундан ташқари, таълим самардорлиги университетининг бой кутубхонасидаги ўзбек, рус, инглиз, немис, француз, испан, япон, корей ва бошқа тиллардаги 200 мингдан ортқ китоб фонди орқали ҳам таъминланмоқда. Шунингдек, интернетга тўғридан-тўғри уландиган замонавий компьютерлар билан жиҳозланган электрон кутубхона ва ўқув зали мавжуд.

— **Профессор-ўқитувчилар ва иқтидорли талабалар тўғрисида сўзлаб берсангиз?**

— Университетда икки юздан зиёд профессор-ўқитувчи фаолият юритмоқда. Улар Ватанга фидойи мутахассислар тайёрлашни ўзининг бош вазифаси деб билди. Таълим бериш баробарида тинмай ўз малака ва маҳоратини ошириб боради. Машгулотлар давомида энг замонавий таълим технологиялари ва усуллари қўллади.

Талабаларнинг илмий тадиқоти ишларни амалга ошириш учун барча қулай

Шарқ дурдоналари

03-03 ўқитиш  
Домо бўлув...

● **ХИКОЯТ.** Бир тулки ўрмонда яшар эди. Бир куни эрталаб оқат излаганича ҳар томонни кеза бошлади. Тасодифан бир товуққа кўзи тушиб қолди. Уни тутишга бел боғлади. Шу пайт унинг қўлига баланд бир овоз эшитилди. У чор-атрофга қараб, дархат тепасида турган йўғон гавдали, семиз бир нарсани кўрди. Иштакиси аланга олди. Уша семиз нарсага эришиш мақсадида юз ранжу кулфат билан дархат тепасига чиқди ва унга чанг солди. Уша нарсанинг ичи бўм-бўш бўлиб, ҳаводан ўзга нарсая йўқ эди. Тулкининг очқўлиги туфайли бу ногора унинг кўзига семиз ҳайвон бўлиб кўринган эди. Шамол тасвирида дархат шоҳлари тебраниб, унга урилар ва чиқарган овоз эса ҳайвон овози бўлиб туюлган эди. Тулкининг дили ҳасрат ўтидан қулиб, надомат ёшларини тўқди. Сўнг ўзига деди: «Эсим, бу ҳаводан шилган нарсани деб ҳалол сайдимни қўлдан чиқардим, фойдасиз бўй ўғон гавдадан ҳеч манfaat етмади!» Китъа:

Ногора даранглар  
тинимсиз вале,  
Ичи бўшдир, бундан  
нима фойда бор?  
Ақлинг бўлса ишининг  
тагини ўйла,  
Ялтироқ ташига  
қилма эътибор!

● Азизим, сен душман сўзига дархол ишониб қўя қолма, унинг сўзлари ҳийла ва алдовдан иборат бўлиб, у ўз мақсадига эришиш учун ўзини ниҳоятда мулоийим қилиб кўрсатади. Сени гафлатда кўргач, тадбир ўқини мақсад нишонига уради. У пайтда сен унун чора-тадбир қўриш фурсати ўтган бўлиб, ҳасрат ва надомат ёрдам бермайди. Чунончи айтадилар:

Душман иши аввал  
ҳийла-ю найранг,  
Сўнг ҳужум  
бошлайди қилдаи гаранг.  
Бу селнинг йўллари  
тўсилмаса гар,  
Юзланар бехисоб  
фитна-ю зарар.  
Фитна йўлин бугун  
тўсмасан маҳкам,  
Эртага кучаяр бўлиб  
мустаҳкам!

● Айтадилар:  
— Ақлли одам етти хил киши билан ўзаро маслаҳатлашмайди. Улар нодон, душман, ҳасадчи, ёлгончи, кўрқок, бахил, нафисга берилган кишилардир. Чунки нодон йўлдан адаштиради:

Ҳар киши ўз ақлидан огоҳ бўлар,

Ўзидан гумроқ бўлар!  
Душманнинг эса сенинг  
зарар топишингни  
ўйлайди.

Ҳар киши ўз  
душманини кучсиз санар,  
Бир куни кучли  
зиёндан ёнар!  
Ҳасадчи эса бор-шудиндан  
ажралишингни истайди:  
Ким ҳасад қилса  
биронинг молига,  
Охири бўлғай анинг  
вой ҳолига!

Ёлгончи эса фикрингни бузиб  
кўрсатади:

Кимки ёлгон сўзласа  
ризиқ кетар,  
Бир куни ёлгон сўзи  
бошга етар!  
Кўрқок эса дадилликдан қайтаради.  
Бахил эса бойлик тўплашга ҳарисманд бўлади ва  
ундан бировга фойда етмайди:

Моли ҳолинг аслида  
душман эрур,  
Зоҳиран боқсанг неча  
равшан эрур!  
Нафисга берилган киши хою-  
ҳавасининг асрини билиб нафс  
тўридан қутулишга кучи етмайди:  
Меҳнатинг бирла  
нафасга бер жазо,  
Қилмасин токи  
балога мубтало!



Тошкент енгил саноат касб-хунар коллежида ўқувчи-ёшларнинг билим олишлари билан бирга касб-хунар сирларини пухта эгаллашларига катта эътибор қаратилади.



СУРАТЛАРДА: амалий дарслардан лавҳалар. Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.

**Маъин**

**МАТЕМАТИКАДАН ЯНГИ КЎЛЛАНМАЛАР**

Таникли олим Шавкат Алимов томонидан амалга оширилаётган йирик тадқиқотлар математика фани ривожига муҳим ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Ўзбекистон Миллий университети Механика-математика факультетининг профессори сифатида у қатор ўқув адабиётларини яратти ҳам яқиндан бош қўшмоқда.

“Математик физиканинг замонавий усуллари” деб номланган ўқув қўлланмаси эса янги ўқув йилига яхши совға бўлди. Ўзбек тилида биринчи марта босмага тайёрланган маъруз китобнинг юзага келишида олимнинг Москва Давлат университетидеги математик физикадан маъмулотлар олиб бориш соҳасида орттирган бой тажрибаси ҳам қўл келди.

Профессор ҳаммуаллифликда мактабларнинг 7-синфи учун “Математика” дарслигини яратди. “Ўқувчи” нашриёти чоп этган бу китоб ҳам янги ўқув йилида ўқувчиларга фойдали ўқув адабиёти бўлиб хизмат қилади.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

**ДЕҲЛИ УНИВЕРСИТЕТИДА ТАҚДИМОТ**

Ҳиндистон пойтахтида жойлашган Деҳли университети қошидаги Иқтисодиёт мактабидеги глобал микросдаги тadbиркорлик имкониятлари мавзусига бағишланган халқаро семинар бўлиб ўтди. Ушбу тadbир доирасида Ўзбекистоннинг тadbиркорлик имкониятлари тақдими ҳам ўтказилди.

Тақдимотнинг кўп сонли иштирокчиларга мамлакатимиз салоҳияти, бой табиий ресурслари, олиб борилаётган оқилона иқтисодий сиёсат, хоризлик сармоядорлар ҳамда тadbиркорлик учун яратилган қулай шарт-шароит ва имтиёзларнинг ҳуқуқий асослари ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг Деҳлидаги элчихонаси вакиллари томонидан мамлакатимизда мустақил ривожланиш йиллари давомида қўлга киритилган улкан ютуқ-муваффақиятлар, хусусан, иқтисодиёт соҳасидаги юксалишлар аниқ-равшан далил ва рақамлар асосида тadbир қатнашчилари эътиборига ҳавола этилди.

Тақдимотда хоризжлик ҳамкор компанияларнинг Ўзбекистон иқтисодиётидаги иштирокига алоҳида эъти-

бор қаратилди. Ўзбекистон — Ҳиндистон иқтисодий ҳамкорлиги қўламлини янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар, шубҳасиз, мулоқотнинг бош мавзуси бўлди.

— Халқаро иқтисодий муносабатлар хусусида сўз кетганда, талабаларимиз катта қизиқиш билдирадиган мамлакатлар орасида Ўзбекистон ҳам бор, — дейди Деҳли университети савдо ва бизнес факультети декани, профессор Жаваҳар Лаъл. — Бизни қувонтирган жиҳати шу бўлдики, ушбу анжуманда талабаларимиз бугунги Ўзбекистон, унинг салоҳияти ва ҳамкорлик имкониятлари тўғрисида жуда кўп маълумотлар эга бўлишди.

Садриддин СУЯРОВ,  
«Жаҳон» АА муҳбири  
Деҳли

**ТОШКЕНТДА КЎРГАЗМА**

Тошкентда иккинчи ўзбек халқаро автомобиль кўргазмаси — “АвтоМоторШоу — AutoMotorShow — 2005” очилди. “Тошшаҳарйўловчитранс” вакилининг сўзларига қараганда, “АвтоМоторШоу — AutoMotorShow — 2005” кўргазмасида маҳаллий компаниялар билан бирга Германия, Исроил, Польша, Россия, Туркия, Украина, Финляндия каби мамлакатлардан ўттиздан ортиқ компаниялар иштирок этади.

Маъруз кўргазмада Россия компанияларининг иштирок этишини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки улар тadbирда иштирок этадиган компаниялар умумий сонининг 35 фоизини ташкил этади. Шунингдек, 15 фоизи ўзбек компанияларига тўғри келади. Қолган компанияларнинг 50 фоизи эса

Германия, Исроил, Польша, Туркия, Украина, Финляндия компаниялари ҳиссасига тўғри келади.

ITE Group Plc халқаро кўргазма компанияси (Буюк Британия) ҳамда ITE Uzbekistan компанияси “АвтоМоторШоу — AutoMotorShow — 2005” лойиҳасининг ташкилотчилари ҳисоб-

ланади. IEG-Gima (Германия), PrimExpo (Санкт-Петербург), Itesa (Қозғоғистон), Itesa Caspian (Озарбойжон) ва EUF — Turkey (Туркия) каби етаки халқаро кўргазма компаниялари эса уларга ҳамкорлик қилди.

Кўргазмада автобуслар, махсус автомобиллар, прицеп ва қурилмалар, двигателлар ва

уларнинг қисмлари, шиналар, резина техник махсулотлари, қўриқлаш сигналлари ва олиб қонишга қарши тизимлар намойиш этилади.

“АвтоМоторШоу — AutoMotorShow — 2005” ташкилотчиларнинг хабар беришича, кўргазма доирасида “Европа подшипник корпорацияси — Россиянинг Ўзбекистондаги подшипник бозори лидери” мавзусида семинар ҳам ўтказилади. Семинар Россиянинг “Европа подшипник корпорацияси” томонидан ташкил этилади.

“Туркистон-пресс”

атрофи бўлган) олиб келиб, уларнинг қўлларига топширган. Шу дамдан бошлаб Асқарова интизорлик билан фирибгарларнинг жавобини кута бошлаган. Бироқ, айтилган вақтда ва ундан кейин ҳам ҳеч хабар бўлмагач, гап нимадалигини англаб етган Асқарова ички ишлар идораларига мурожаат этишдан бошқа чораси қолмаганди...

**НАЙРАН ИШ БЕРМАДИ**

Ҳеч қаерда ишламайдиган Ҳамза туманида истиқомат қилувчи 25 ёшли Фарҳод, Қорақалпоғистон Республикаси фуқароси С.Матёқубовга 185.000 сўмлик 500 килограмм гуруччи сотиб беришга ваъда бериб, пулини олгану кўздан ғойиб бўлган. Фуқаро Матёқубовнинг хабаридан сўнг, Ҳамза тумани ички ишлар тезкор ходимларининг олиб борган қидирув ишлари натижасида, фирибгар Фарҳод навбатдаги найранги устида қўлга олинди.

**ТОВЛАМАЧИ ҚЎЛГА ТУШДИ**

Шайхонтоҳур туманида истиқомат қилувчи фуқаро К.Асатов ва пул топшини осон йўлини топган кўринади. У таниши қашқадарёлик фуқаро С.Тиллаевни ишонтириб, Тошкент шаҳрига доимий рўйхатга киритишга ваъда бериб, ундан 400 АҚШ долларини олиб, қайтариб бермаган. Аёлининг ўзи, фуқаро Р.Ражабов-

ни ишонтириб, 4.200 АҚШ доллари эвазига уни АҚШга фермерлик мутахассислиги бўйича ўқишга ҳамда малака оширишга бориши учун ёрдам беришини айтиди. Пуллари олган товламачи Р.Ражабовнинг назаридан ҳам ғойиб бўлади. Фуқаро Ражабовнинг эса Шайхонтоҳур туман ички ишлар бошқармасига қилган мурожаатидан сўнг, тезкор ходимлар, “истеъдодли” фирибгар аёл К. Асатова-ни қўлга олишди.

**ХОТИРЖАМ ЎҒРИНИНГ ҚИЛМИШИ**

Учтепа туманида истиқомат қилувчи уй бекаси, фуқаро М.Қурёзова таниши, М.Одировнинг ишончига алдов йўли билан кириб олиб, уйдаги 590.000 сўмлик видеомагнитофонини, иккита дублёнкасини ва бир нечта тилла тақинчочларини сотиб бериш учун олиб кетиб, қайтиб келмаган. Ушбу буюмларнинг эгаси фуқаро М.Одилова ҳаммасини англаб етгач, фирибгар М.Қурёзованинг уйига Учтепа тумани ИИБ тезкор ходимлари билан ташриф буюрди. Буни қарангки, буюмларнинг эгаси — нимага М.Қурёзовадан дарак йўқ деса, у ақсинча бу буюмларни ўзига ўзлаштириб, хотиржам юрган экан.

Юлдуз АШИРОВА,  
Тошкент шаҳар ИИБ  
Матбуот маркази катта инспектори, майор.

**Бу — қизик!**

**ЗИЛЗИЛАЛАР ҚЎРИҚҲОНАСИ**

Япон ороллари районидеги мунтазам равишда турли хил сейсмик ҳолатларнинг юз бериши кузатиб борилади. Бунинг сабаблари жуда кўп. Япон олимларининг фикрича ана шу сабаблардан бири яқинда океаншунослар томонидан очилган, узунлиги 330 километрдан зиёд бўлган Хонсю ороллари қирғоқларидан бошланадиган сув ости ёриғидир. Ана шу ёриқ икки километрдан беш километр узунликда силкиниб туради, унинг чуқурлиги эса айрим жойларда 9 километрга етади.

**БЕНЗИННИ ҲИЛЛАШТИРИШ**

Капиталистик мамлакатларда нефтни қайта ишлаш махсулотлари баҳосининг ошганлиги ёнигиликларининг ўғирланиш ҳолатини кўпайтириб юрди. Ана шундай ўғирлик одамлар учган самолётни ҳалокатга олиб келишига озгина қолди. Австралиянинг йўловчи самолёти навбатдаги рейсини бажараётган эди. Приборларнинг стрелкалари бакларнинг ўлғалигини кўрсатади. Учувчи резервдаги бакдан ёнигилини олмоқчи бўлиб қнопкани босганида қутилмаганда двигателлар ўчиб қолди. Авиалайнер экипажи аъзоларининг қўриқ чоралари ва ҳаракатлари тўғрисида самолётни мажбурий тарзда ерга қўндиришга муваффақ бўлинди. Текширув натижалари шуни кўрсатадики, ўғирлар ўғирланган ёнигили ўрнига бакка сув ўлғалиб қўйишган экан...

**ҚИЙНОҚ КЎРОЛИ КИМЛАРГА ЮБОРИЛАДИ?**

АҚШ савдо вазирлиги Америка фирмаларига мамлакатда тайёрланаётган қийноқ қуролларини чет элларга сотиш учун рухсат берди. Бундай махсулотлар орасида полициячилар қўлайдиган жазо қуроллари ҳамда ҳозирги Америка инквизициясининг техника янгиликлари бор. “АҚШда ясалган” деган тамга босилган бу қийноқ қуроллари Вашингтон буйруқларини сўзсиз бажараётган дикторлик режимидаги ҳўқордан бўлган мамлакатларга оқиб келиши кўтиляпти.

**ЎРҒАНГАН КЎНГИЛ...**

Сохта пул ва ҳўжжатлар тайёрлагани учун қамол жазосини утаётган Эдгар Берю деган кимса қамоқда ҳам тинч ўтирмади. Сохта ҳўжжатлар тайёрлаш жазаваси қон-қонига сингиб кетган бу кимса қамоқдан озод қилиш ҳақида ўзи тайёрлаган сохта маълумотнома билан ҳиёсдан қутулиб кетиши ўзига муносиб деб билди...

**ШАҲАРДА КЎЗОЙНАКЛИ ИЛОН**

Нью-Йоркда ёввойи ҳайвонлар ва илонларнинг одамларга ташланаётган ҳолатлари юз берди. Шаҳар аҳолиси тиббиёт муассасаларига илон, чаёнларнинг чаққонлиги, маймунлар ва буриларнинг тишлаб олганлиги хусусида мурожаат қилиб келмоқда. Бу ҳайвонларнинг ҳаммаси эгаллари улардан “қоровул” сифатида фойдалангани жонига тегиб, улардан қочиб қолишга эришган ёки қўчаларга экзотика ишқибозлари томонидан ташланган жониворлардир. Биргина кейинги вақтнинг ўзида шаҳар худудидеги бир қанча дайди кўзоёнакли илонлар, тымсоҳлар, шимпанзелар ва ҳатто битта шер тутиб олинди.

**«02»: ҲОДИСАЛАР**

**ФИРИБГАРЛАР ФОШ ЭТИЛДИ**

Пойтахтга қинғир йўллар билан мўмай пул топиш илинжида келган хоразмлик 24 ёшли Махмуд ва Сарвар исмли йигитлар ўзаро тил бириктириб, алдов йўли билан фуқароларнинг пулларини олиб, яшириниб юришган. Улар олий ўқув юртиларида ўқишни ният қилганларни топиб, уларнинг айнан қайси олийгоҳга кирмоқчи бўлаётганини билиб, айнан ушбу институтда гўёки Махмуд ва Сарварнинг акалари, тоғалари ишлаётганликларини айтиб, пул эвазига ўқишга киришга ёрдам беришларини ваъда бериб, пуллари олиб бўлгач эса жуфтдан рослаган. Ушбу фирибгарлардан жабр кўрган фуқаро Д.Асқарова фармацевтика институтига кирмоқчи бўлаётганини айтиди. Фирибгарлар “атиғи 5000 АҚШ доллар ҳамда 255 000 сўм пул эвазига, ишини битириб беришларини, ўзини талаба деб ҳисоблаши ҳам мумкинлигини айтиб, уни ишонтиришди. Хўрсанд бўлган Д.Асқарова уларнинг “қармоғига илиниб”, айтилган пуллари, белгиланган жойга (эслатиб ўтамиз, бу фирибгарларнинг пул топиш жойи — юридик институти биносининг

*Футбол*

**ЖИДДИЙ СИНОВ АРАФАСИДА**

Маълумки, 8 октябрь кuni "Пахтакор" марказий стадионида жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг Ўзбекистон-Бахрайн терма жамоалари ўртасидаги плей-офф учрашуви ўтказилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, япониялик ҳакам Йошида Тошимицхо хатоси туфайли қайта ўтказилаётган ушбу учрашувга ҳар иккала терма жамоа аъзолари жиддий ҳозирлик кўришмоқда. Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийси Боб Хоугтон бахрайликлар билан ўтказилаётган жиддий баҳс олдидан терма жамоамиз таркибини эълон қилди. Шунингдек, муҳлислар бу сафар Улугбек Бақоев ва Александр Гейнрих каби ҳужумчиларимизнинг аjoyиб ўйинларидан баҳраманд бўлишлари мумкин. Терма жамоамизнинг Россия, Украина миллий чемпионатларида тўп сураётган легионер футболчилари ҳам машғулотларда қатнаша бошлашди. Биз кўп миңг сонли муҳлислар номида Ўзбекистон терма жамоасига зафар ёр бўлсин деймиз.

**БИКМАЕВ МУАММО ГИРДОБИДА**

Ўзбекистон терма жамоасининг аъзоси, Самаранин "Крылья Советов" клубининг моҳир футболчиси **Марат Бикмаев муаммо гирдобидида қолди.**

Гап шундаки, "Крылья Советов" жамоаси раҳбарияти томонидан майдонга тушадиган футболчилар рўйхати эълон қилинганида ҳамюртимизнинг фамилияси Бикмаев деб кўрсатилган. Ваҳоланки, паспортда аслида Бикмаев деб ёзилган футболчимизга ушбу хато қимматга тушди. Шунинг учун УЕФА Бикмаевга "Крылья Советов" жамоаси таркибиди майдонга тушишини тақиқлаб қўйди. Ушбу муаммо қай тарзда ечим топишини эса вақт кўрсатади.

**ВАКИЛЛАРИМИЗ САНКТ-ПЕТЕРБУРГДА**

Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ФИФА ташаббуси билан футбол мутахассислари иштирокида семинар бўлиб ўтди.

Болалар футболни янада ривожлантиришнинг истикболли йўналишларига бағишланган ушбу анжуманда Ўзбекистон футбол федерациясининг етакчи мутахассислари Анатолий Климов ва Вадим Шодиметовлар иштирок этиб, болалар футболни ривожда хорижий мутахассислар томонидан баҳарилаётган ишлар билан яқиндан танишишди.

(Ўз мухбиримиз)



*Tashkent open — 2005*

**ШАҲРИМИЗДА ЮЛДУЗЛАР ЁҒДУСИ**

Давоми. Боши 1-бетда.

Дарвоқе, ўтган йилги мусобақаларда турнир директори Шурунгам Утрапати "Tashkent open" турнирини учинчи даражага кўтариш борасида мақсадли ишлар амалга оширилаётгани ҳақида гапириб ўтганди. Шу ўринда Ўзбекистонлик ташкилотчилар — Республика теннис федерацияси ва Тошкент шаҳар ҳокимиятининг шу каби нуфузли мусобақаларни ўтказишда катта тажриба орттиришгани алоҳида қайд этилганди.

Бу йилги турнирнинг очилиши олдидан ўтказилган матбуот анжуманида айнан шу масала яна бир бор ташкилотчиларнинг диққат эътиборига ҳавола этилди. Бу бордада турли фикрлар билдирилди. Кимдир бу авваламбор хомийларга боғлиқ ва шу орқали ютуқ жағғармасини оширишга имкон очилади деган бўлса, яна кимдир гап жағғармада эмас дея таъкидлади. Шундай бўлсада, турнирнинг поғонама-поғона ажрага кўтарилиши биринчи паллада уни ташкил қилиш ва ўтказиш даражасига боғлиқ эканлиги ва шу қулгача хорижий ҳамкорлар (гап WTA ҳақида) томонидан бирон-бир маротаба эътироз билдирилмагани маълум бўлди. Лекин турнир директори Шурунгам Утрапати бир қизик фикрни билдирди, у ҳам бўлса турнир учинчи даражага кўтариш учун 200 миңг АҚШ доллари микро-рида бадал тўлаш лозим экан...

Ўз навбатида, бу йилги турнирда қатнашаётган иштирокчи давлатлар ва албатта асосий жадвалга қараб ҳам "Tashkent open" нуфузи ҳақида фикр юритиш мумкин.


"Tashkent open-2005" мусобақаларига Испания, Нидерландия, Франция, Россия, Венгрия, Чехия, Ҳиндустон, Украина, биринчи марта Аргентина, Швеция — 20га яқин давлатлардан энг кучли спортчи-

лар ташриф буюрди. Шуниси ҳам алоҳида эътиборга лойиқки, саккиз нафар спортчи қизлар жаҳон теннис жадвалининг биринчи юзлигига кирди.

Матбуот аюкуми ва доирасида бўлиб ўтган кура ташлаш натижалари ҳам ўзига хос равишда бу йилги турнирнинг даражасини белгилаб берди десак муболага бўлмайди. Ўзбекистонлик теннисчилар рейтинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, сараланган ўйинчилар қатнаша киритилмаган бўлса ҳам, бирок яқинда Осиё чемпионлиги унвонига сазовор бўлган Оқул Омонмуродова "Tashkent open"да "wild card" асосида иштирок этади.

Қридага кўра, иккинчи шундай имкониятни бошқа ҳамюртимиз Ирода Тулагановага ҳам бериш мумкин эди. Қарангки, "Tashkent open" тарихида биринчи маротаба "wild card" билан алмашиш ваъдаси юзага келди. Мамлакатимиз ҳамда Россия миллий теннис федерациялари келишувига асосан "wild card"нинг иккинчиси бу йилги Осиё ўйинларининг чемпиони Ўзбекистонлик Денис Истомин "Кремль Кубоги" турнирининг асосий мусобақаларида қатнашиши учун Россия томонига берилган. Шу ўринда эслатиб ўтиш мумкинки, ҳамюртимиз Д.Истомин Санкт-Петербургда бўлиб ўтаётган мусобақаларда ҳам саралашсиз иштирок этади.

Ўз навбатида, "Tashkent open-2005" турнирида "wild card" имконияти орқали жаҳон тасвифида 470-поғонани эгаллаб турган россиялик Евгения Родина иштирок этади. Дарвоқе, турнирда Россиядан энг кўп иштирокчи — 9 нафар теннисчи қатнашаётган бўлиши мумкин. Улардан тўрттаси квалификацияда иштирок этган бўлсада, аммо биронтаси ҳам асосий жадвалга йўлланма ололмади. Назаримизда, бунинг сабаби авваламбор саралаш мусобақалари иштирокчилари сафи ҳам энг кучли теннисчилар-



дан таркиб топганлигида бўлиши мумкин. 16 нафар квалификация-спортчилар орасида Татьяна Гутчек (Белоруссия), Винни Пракуся (Индонезия) ҳамда ҳамюртимиз Ирода Тулаганова бор эди. Маълумки, бу теннисчиларнинг бари ўз вақтида жаҳон теннисида юқори поғоналарни эгаллаган. Табиийки, уларнинг тажрибаси ҳам катта, шу боисдан ушбу катта ракетка усталари саралашни осонликча енгиб ўтиши ва эндиликда ҳар бири асосий мусобақаларда ўз мамлакатини шарафини ҳимоялайди.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА СУРАТЛАРДА:** саралаш учрашувлари ва кура ташлаш маросимидан лавҳалар. **Алишер Рискиев (Ўза)** олган суратлар.

**ЛАТИФАЛАР**

Эрининг шимини дазмол қилаётиб чўнтагидан кинога иккита чиптани топиб олган хотин уни қайтариб яна жойига солиб қўйди. Эри "мажлисга" дея кетган, кинотеатрга борди ва директорга йиғлаб-сиқтаб мақсадини баён қилди. Директор кинони бир дақиқага тўхтатди ва микрофонда:

— Уртоқлар, ораларингизда бир эркак ўзининг хотини бўла туриб бегона аёл билан келиб ўтирибди. Унинг исми-шарифини эълон қилмайман, ҳозир чироқни ўчирагимиз, шу пайтдан фойдаланиб чиқиб кетсин! — деди.

Чироқ ёнгандан кейин қарасалар залда бироррта ҳам эркак киши қолмаган эди.

\*\*\*

Эрининг ароққўрлиги жонига теккан хотин унга деди: — Дадаси, агар ичминши ташлаганингизда, ўша ароқнинг пулига кўп нарса сотиб олган бўлардик. — Биламан, сенга пальто, тилла тақинчоқ, менга эса ҳеч вақо...

\*\*\*

Бир шўх йигитнинг хотини ўйиб кўрибди. У дўсти билан туғруқхонага келиб, деразага қараб кўллари ни силкиб, иргиллармиш.

- Дўстига қараб: — Қара, қара, қуляпти!
- Дўсти хайрон: — Қандай қулади у, сени кўрмаётган бўлса?
- Э, чақалоқмас, ҳамширани айтаялман.

\*\*\*

Туғруқхонада кутиб турган ота олдига ҳамшира қўлида упта чақалоқ билан чиқиб сурабди:

- Туғрисини айттинг, чақалоқларнинг у-чталигини кўриб, кўрқиб кетмадингизми?
- Йўқ-е, нима деясин...
- Ундай бўлса, буларни ушлаб туринг, мен қолганларини ҳам олиб чиқай...



Сўзсиз сурат.

Абдурасул Ҳақимов чизган расм.

*Мунажжим башорати*

**АСТОЙДИЛ ИШЛАСАНГИЗ — ЮТАСИЗ 4 ОКТАБЬР, СЕШАНБА**

Мунажжимларнинг фикрича, кечаги Кўёш тутилиши бугунги сешанба воқеа-ҳодисаларини сезиниб кейинги фаолиятингиз учун гоёат аҳамиятли қилиб кўярган. Мабодо, бугун одатдаги ҳаёт изидан чиқиб кетадиган бирон-бир нарса содир бўлса, унинг таъсири у ёки бу даражада то 2006 йилнинг мартгача давом этиши мумкин.

Заковат сайёраси Меркурий, ҳукмронлик сайёраси Юпитер ҳамда жамоавий шуурсизлик сайёраси Ой қувватларининг Тароз буржининг 24-26 даражаларида бириллиши илми нуҳумда ижтимоий ҳаётнинг муҳим масалалари айнан "ҳавода учиб юриб", кўплаб одамлар хатти-ҳаракатлари улар қабул қиладиган қарорларга жиддий таъсир кўрсатишини билдиради.

Ой сайёрасининг йўналиши ҳолатда бўладиган вақт мобайнида (соат 18.16 дан 23.00 гача) Юпитер билан бириллиши туфайли қурб етмайдиган даражадаги маъсулиятни зиммага олиб қўйиб ёки ноўрин манманликни намоен этиб қўйиб ҳавфи мавжуд бўлади.

Бугун янги ишни бошлашга ошмаганингиз маъқул. Яхшиси — барча эски ишларингизни ниҳоятга етказиб, қарзларни узиш, керакисиз нарса ва буюмларнинг ҳаммасини уйдан чиқариб ташлаш хайрли бўлади. Шу кун танангизни ва ўй хоналарингизни тозалаш, ҳаммом қилиш фойдали. Ой сайёраси ритмларни саҳаватга, эъзуликка ва бошқалар йўлида фидоиликка даъват этади.

Бирон нарсани ўқиб-ўрганиш, санъатга ошно бўлиш, кўргазмалар, театрларга ташриф буюриш кунининг самарали ўтишига хизмат қилад. Кечкурун шам ёруғида ҳаёл суриш, фикр-мушоҳада юритиш, ҳар қандай кўрқув, беҳаловатликлардан халос бўлиш тавсия этилади.

Кўзгу ва ойнанинг синиши бугун ноҳушлик аломати ҳисобланади. Пол, нарвоннинг синиши, осмоннинг кўрғошнинг сифат булутлар билан қопланиши, канализация ва тозалаш иншоотларидаги носозликлар ҳам ноҳушликнинг турли хилларидан хабар беради. Танга топсангиз — омадингиз юришишга даволат.

Кўёш чиққандан кейин кўрилган тушлар башоратли бўлади. Уларни эслаб қолишга ҳаракат қилинг.

Кимёвий дориларни бугунча истъёмол қилмаганингиз маъқул — буйрақлар ва жигарингиз жуда заифлашган ҳолатда бўлади. Қора, кўк ва "ҳимоя" — яшилляк оид ранглардаги либослар бугунги кун руҳига мос келади. Қизил ва сариқ ранглардан бугунча воз кечинг.

**БУГУН:**

- яхшилаб мушоҳада юритиб, ўзингиз англай олмаётган нарсани аниқлаб олиш;
- меҳнатсеварлигингизни намоен қилиш — зеро, омадингиз фаолиятингизга боғлиқ;
- маҳаллий ҳокимият вакиллари билан мулоқотда бўлиш;
- дала ҳовли, деворлар, ҳўжалик биналарини енгиб таъмирдан чиқариш;
- мевали дарахт кўчатларини ўтказиш, ерга маҳаллий ўғит солиш;
- яқинларингиз билан муносабатларни тиклаш тавсия этилади.



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:** катталар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65; факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет уссуви босилди. 2496 нусхада босилди. Қирғиз бирини А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, chorshanba, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Напир кўрсаткичи — 563

Нашрият етказиб бериш масалаларини буйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки "Тошкент почтасига" — 133-74-05 телефонига муҳожаат қилишянгиз мумкин.

Газета "Тошкент оқшоми"нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.